



**НАУЧНЫЙ  
ИМПУЛЬС**

ЦЕНТР НАУЧНОЙ  
ПОДДЕРЖКИ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ СОВРЕМЕННЫЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

# НАУЧНЫЙ ИМПУЛЬС



Последние  
новости

Последние  
образование

Последние  
исследование

**И НОВЫЕ НАУКИ**



*Международный современный научно-практический журнал*

# Научный импульс

№ 8 (100)  
Март 2023 г.

**Часть 2**

Издается с августа 2022 года

Москва 2023

*Председатель редколлегии:*

**Гуляева Елена Камаловна** - Представитель технической поддержки

*Редакционная коллегия:*

**Макаровский Руслан Сергеевич** - Заведующий кафедрой организационного управления Института прикладного анализа поведения и психолого-социальных технологий, практикующий психолог, специалист в сфере управления образованием.

**Арестова Инесса Юрьевна** – канд. биол. наук, доц. кафедры биоэкологии и химии факультета естественнонаучного образования ФГБОУ ВО «Чувашский государственный педагогический университет им. И.Я. Яковлева», Россия, г. Чебоксары;

**Ахмеднабиев Расул Магомедович** – канд. техн. наук, доц. кафедры строительных материалов Полтавского инженерно-строительного института, Украина, г. Полтава;

**Бахарева Ольга Александровна** – канд. юрид. наук, доц. кафедры гражданского процесса ФГБОУ ВО «Саратовская государственная юридическая академия», Россия, г. Саратов;

**Бектанова Айгуль Карибаевна** – канд. полит. наук, доц. кафедры философии Кыргызско-Российского Славянского университета им. Б.Н. Ельцина, Кыргызская Республика, г. Бишкек ;

**Волков Владимир Петрович** – канд. мед. наук, рецензент АНС «СибАК»;

**Елисеев Дмитрий Викторович** – канд. техн. наук, доцент, начальник методологического отдела ООО "Лаборатория институционального проектного инжиниринга";

**Комарова Оксана Викторовна** – канд. экон. наук, доц. доц. кафедры политической экономики ФГБОУ ВО "Уральский государственный экономический университет", Россия, г. Екатеринбург;

**Лебедева Надежда Анатольевна** – д-р филос. наук, проф. Международной кадровой академии, чл. Евразийской Академии Телевидения и Радио, Украина, г. Киев;

**Маршалов Олег Викторович** – канд. техн. наук, начальник учебного отдела филиала ФГАОУ ВО "Южно-Уральский государственный университет" (НИУ), Россия, г. Златоуст;

**Орехова Татьяна Федоровна** – д-р пед. наук, проф. ВАК, зав. Кафедрой педагогики ФГБОУ ВО «Магнитогорский государственный технический университет им. Г.И. Носова», Россия, г. Магнитогорск; **Самойленко Ирина Сергеевна** – канд. экон. наук, доц. кафедры рекламы, связей с общественностью и дизайна Российского Экономического Университета им. Г.В. Плеханова, Россия, г. Москва ;

**Сафонов Максим Анатольевич** – д-р биол. наук, доц., зав. кафедрой общей биологии, экологии и методики обучения биологии ФГБОУ ВО "Оренбургский государственный педагогический университет", Россия, г. Оренбург;

**Милютин Николай Даминович** – Доктор юридических наук;

**Сергеев Анатолин Викторович** – Кандидат биологических наук.

**Научный импульс:** научный журнал. – № 8 (100). Часть 2, М., Изд. «МЦНО», 2023.

Журнал «Научный импульс» освещает сферу духовно-просветительского мышления человека, общественно-политическую жизнь человека, институты гражданского общества, глобальные проблемы, проблемы образования, новые технологии, производимые сегодня, реформирование системы образования и публикуются научные статьи, посвященные открытому научно-популярному анализу.

<b>SURXONDARYO VILOYATIDA TUPROQ UNUMDORLIGINI OSHIRISH VA MINERAL O'G'ITLARDAN SAMARALI FOYDALANISH YO'LLARI</b> Musurmonova Gulasal Abramat qizi Maxmudova Gulmira Boboxon qizi Oqboyeva Sabohat Erkin qizi Mustafoyeva Laylo Ismatilla qizi	<b>405</b>
<b>IJTIMOY MUAMMOLAR</b> Safarova Mohinur Alisher qizi	<b>410</b>
<b>LOGISTIKA MUAMMOLARI</b> Erkinov Diyorbek Zafarjon o'g'li Hayrullayeva Muxlisaxon Nuriddin qizi	<b>413</b>
<b>IQLIM O'ZGARISHLARI</b> Hayrullayeva Muxlisaxon Nuriddin qizi Erkinov Diyorbek Zafarjon o'g'li	<b>419</b>
<b>SHIFOKOR VA BEMOR O'RTASIDAGI SHAXSLARARO MUNSOBATNING O'ZIGA XOSLIGI</b> Narmetova Yulduz Karimovna Rajabov Shaxzod Shuhrat O'g'li	<b>424</b>
<b>ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТУРИЗМ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧЛАРИНИНГ ДИАХРОНИК ТАШНИФИ</b> Dildora Kholboyeva	<b>430</b>
<b>LIDERLIK SHAXS XUSUSIYATLARINING PSIXOLOGIK ASOSLARI</b> Dursunov Sardor Axmat o'g'li Axmedova Aziza Komil qizi	<b>435</b>
<b>PSIXOZ KASALLIKLARNING ZAMONAVIY DIAGNOSTIKASI VA PSIXOPROFILAKTIKASI SIFATIDA</b> Dursunov Sardor Axmat o'g'li Begmurodova Laylo Shermurod qizi	<b>441</b>
<b>BEMORLARDA NEVROTIK HOLATLAR TAHLILI</b> Dursunov Sardor Axmat o'g'li Anorboyeva Sevinch	<b>445</b>
<b>SAHXS HUSUSIYATLARINI ANIQLASHDA – GRAFALOGIK TASHXIS</b> Dursunov Serdar Axmad o'g'li Xudoberdiyeva Gulhayo	<b>449</b>
<b>РОЛЬ ВОСПИТАНИЕ ДЕТЕЙ В СЕМЬЕ</b> Дурсунов С.А	<b>454</b>
<b>TIBBIYOTDA VA PSIXOLOGIYADA HUSNIXATGA QARAB TAXSIS QO'YISH</b> Raximova Roxat Boysoatovna Xudoberdiyeva Gulhayo	<b>457</b>
<b>DEPRESSIYA KASALLIGI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI</b> Raximova Roxat Boysoatovna Hasanova Charos	<b>463</b>
<b>KOMPYUTER O'YINLARINING INSON PSIXOLOGIYASIGA IJOBIIY VA SALBIY TA'SIRI</b> Raximova Roxat Boysoatovna Mahmudjonov Miraziz Abdufattoh o'g'li Jovliyev SHerzod SHodi o'g'li	<b>469</b>
<b>TIBBIYOTDA MULOQOTNING O'RNI VA SHAXSLARARO MUNOSABATLAR PSIXOLOGIYASI</b> Raximova Roxat Boysoatovna Őrinboyeva Shaxrizoda Ulug'bek qizi O'razaliyeva Fotima O'tkir qizi	<b>474</b>

**ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТУРИЗМ ТЕРМИНОЛОГИЯСИ РИВОЖЛАНИШ  
БОСКИЧЛАРИНИНГ ДИАХРОНИК ТАСНИФИ**

**Dildora Kholboyeva**

*Tashkent Medical Academy*

**Аннотация:** *Маколада инглиз туризми ва унинг терминологияси ривожланишининг боскичлари ва туризм асосчилари хақида сўз борган. Шунингдек оммавий конвейерли ва дифференциялашган туризм турларига ҳам таъриф берилган.*

**Калит сўзлар:** *туристик индустрия, оммавий, конвейерли туризм.*

**Аннотация:** *В статье рассматриваются этапы развития английского туризма и его терминология и основоположники туризма хаки. Также тарифы предусмотрены на массовый конвейерный и дифференцированный виды туризма.*

**Ключевые слова:** *туристическая индустрия, массовый, конвейерный туризм.*

**Abstract:** *The article discusses the stages of development of English tourism, its terminology, and the founders of khaki tourism. Tariffs are also provided for mass conveyor and differentiated types of tourism.*

**Keywords:** *tourism industry, mass, conveyor tourism.*

Туризм ва унинг терминологияси ривожланишининг биринчи босқичи ҳақида гапирганда, инглизларнинг саёҳатларини то XIX асргача замонавий маънодаги туризм қаторига киритиш қийинлигини таъкидлаш лозим. Улар давлатларнинг иқтисодиётига таъсир кўрсатмаган ва аҳолининг асосий қисмига деярли дахли бўлмаган.

Мануфактурали ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва XVIII - XIX асрдаги саноат инқилоблари сабабли Англия жамиятининг иқтисодий ҳаётига ўзгаришлар кириб келган. Жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши натижасида ишчининг иш вақти ва бўш вақти ажрала бошлаган. Бу эса инглиз туризми ва унинг терминологияси ривожланишидаги иккинчи босқич учун замин яратган.

Иккинчи босқич – оммавий туризм ривожланишининг бошланиши XIX асрни қамраб олади, бу пайтда туризмнинг моддий-техник базасининг асослари, ишлаш усуллари ва бошқариш органлари яратила бошлаган. Айнан шу «tourism» ва «tourist» инглиз терминлари пайдо бўлди. Масалан, «tourism» терминини XIX асрнинг бошида инглиз ёзувчиси D. Page жорий қилган. Ўзининг «Инглиз туристининг анекдотлари» (Jokes of an English Tourist) китобида у биринчи марта саёҳатчини турист деб атаган. «Tourist» термини илк бора Оксфорд универсал луғатида 1800 йилда “an individual who travels for the pleasure of traveling, out of curiosity” махсус маъносида, «tourism» сўзи - 1811 йилда қайд этилган. Туризм ривожланишининг иккинчи босқичи энг аввало транспортнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган. 1807 йилда. кашфиётчи

Фултон биринчи пароходни ишлаб чиқиб, барпо этган. Биринчи паровоз Стефенсон томонидан 1814 йилда яратилган. 1830 йилдаёқ Манчестер ва Ливерпуль орасидаги дунёда биринчи темир йўл ишга туширилди. 1842 йилга келиб, Англия темир йўллари бўйлаб йўловчиларни ташиш ҳажми 23 млн. кишига етди. Буларнинг ҳаммаси ҳаракатланишнинг ишончли ва тез бўлишини белгилаб берди. Саёҳатчиларнинг сони ортгани сари, меҳмонхона туридаги корхоналар кенгайиб, такомиллашиб борган. Шундай қилиб, аҳолининг кўчиши осонлигининг ортиши, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасининг яратилиши туристик хизматларни кўрсатиш бўйича ихтисослашган корхоналар пайдо бўлиши учун асосий замин сифатида хизмат қилган.

1841 йилда замонавий туризмнинг асосчиси инглиз Томас Кук 570 киши учун Лейстердан Лафборо шаҳригача биринчи экскурсион тур - темир йўл саёҳатини ташкил қилди. Кук экскурсия ишида муваффақиятли бўлиб, фаолияти фавқулодда муваффақиятли туристик бизнесга айланди: 1851 йилда биринчи бюро - «Томас Кук ва ўғли» саёҳат бюроси очилди. Лондон кўрғазмалари, ва континентал Европа шаҳарлари бўйлаб гуруҳли экскурсияларни ўтказишдан бошлаб, Томас Кук бюроси аста-секин фаолият соҳасини кенгайтди ва янги туристик бозорларни ўзлаштириб, сафарларнинг сонини оширди. Биринчи бундай саёҳат 1855 йилда, Париждаги Бутунжаҳон кўрғазмаси тўғрисида ўтказилган. Томас Кук Миср, Фаластин ва ҳатто АҚШ га мунтазам туристик саёҳатларни ташкил этишни бошлади. Унинг бюроси экскурсантларни жойлаштириш, йўл кўрсаткичларни ва даврий туристик адабиётларни нашр этиш, реклама кампаниялари, банк операциялари ва чет эл валютасини алмаштириш билан шуғулланган. Т. Кук идорасидан кейин Англияда Фреймз ва сэр Генри Ланнга тегишли туристик бюролар пайдо бўлди. Туристтик клублар ва уюшмалар пайдо бўлди - Велосипед туристик клуби, Политехник туристик уюшмаси, Кооператив дам олиш уюшмаси ва бошқалар. XIX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Лондон ва Нью-Йорк ўртасида мунтазам пароход саёҳатлари ривожлана бошлади. 1867 йилда биринчи бўлиб пароход «Квейкер сити» денгиз туристик саёҳатига жўнаб кетган. У беш ой давом этган. Бу саёҳатга борган 60 та туристлар ичида Марк Твен ҳам бўлган эди, у кейинчалик бу саёҳатни «Содда кишилар чет элда» китобида таърифлаб берган.

Туристтик соҳанинг жўшқин ривожланиши сабабли, иккинчи босқичда туристик терминология ҳам фаол шаклланади: бизнинг материалларимиз кўрсатишича, 45% га яқин тадқиқ этилган терминлар XIX асрда ривожланган. Бунда уларнинг шаклланиши турли туристик хизматларга мувофиқ ҳолда юз берган. Масалан, турбюроларнинг воситачилик хизматлари (conductor, booking, coupon), йўловчиларни ташиш хизматлари (commute, Pullman car, terminus, liner, transit), жойлаштириш (maitre d'hotel, bivouac, room), кўнгилочар хизматлар (safari, attraction) билан боғлиқ бўлган терминлар пайдо бўлган.

Ушбу босқичдаги терминлар туристик индустрия ривожланишидан далолат беради ва терминологик номланишларнинг тизимли ташкил этилишини намоён қилади. Янги тузилган терминларнинг асосида сўз бирикмалар ҳосил бўлади: special tour / personally conducted tour/ extension tour; admission ticket / international travelling ticket / commutation ticket; carrying capacity; tourist arrangements; travelling facilities; hotel coupon system; inclusive fare. Инглиз терминологиясига шунингдек чет эл терминлари фаол киритилади: француз тилидан (coupon, bivouac, maitre d'hotel, omnibus, a la carte, table d'hote); немис тилидан (Baedeker), швед тилидан (smorgasbord).

Ушбу босқичда Томас Кукнинг саёҳат бюросининг дастуридан қуйидаги қисми туристик терминларнинг қўлланишига мисол бўла олади:

«THE PRICE FOR THIS TOUR IS \$600, WHICH INCLUDES

First-class Ocean passage both ways, 20 Days.

First-class Hotel accommodation in Great Britain, 11 Days.

First-class Hotel accommodation on the Continent, 65 Days.

Total, 96 Days.

IT ALSO INCLUDES:

«БУ ТУРНИНГ НАРХИ 600 АҚШ долларини ташкил этади, унга қуйидагилар киради

Океан пароходи, биринчи синф – бориш ва қайтиш, 20 кун.

Буюк британияда биринчи синф меҳмонхонасида жойлашиш, 11 кун.

Европа қитъасида, 65 кун.

Жами 96 кун.

#### **УНГА ШУНИНГДЕК ҚУЙИДАГИЛАР КИРАДИ:**

Инглиз туризми ва унинг терминологияси ривожланишининг учинчи босқичи - оммавий конвейерли туризм - XX асрнинг бошига тўғри келди, ва Иккинчи жаҳон уруши охиригача давом этди. Туризмнинг ушбу босқичда ривожланишига тақдим этиладиган хизматларнинг талабчан бўлмаслиги, уларнинг тўплами стандарт бўлиши хос бўлади. Туристларга хизмат кўрсатиш дастурлари турли-туманлиги билан ажралиб турмаган, чунки улар таркиб топган элементар туристик хизматлар истеъмолчини қондирган эди. Бундай вазият туристик операторларга туристик бозор учун унификацияланган хизматлар тўпламларини шакллантириш имконини берган. Шунинг учун бу ҳолатда тадқиқотчилар оммавий конвейерли туризм ҳақида гапирган.

Ушбу босқични тавсифлаб, туризмнинг ривожланиши транспортнинг ривожланиши ва модернизацияси билан параллел ҳолда кетганлигини қайд этиш лозим. XX асрнинг биринчи ярмидаёқ автомобиллар ва автобуслар Буюк Британияда кенг тарқалган транспорт турига айланади. Масалан, 1904 йилда бу давлатда 8465 та, 1914 йилда – 132315 та автомашина бўлган. 30-йилларнинг охирига келиб, ҳар йили



Англиядан деярли 10 минг туристлар автомобилларда Европа бўйлаб саёҳат қилган, 1935 йилда уларнинг саёҳатлари маршрутлари Москва ва Ленинградгача етган.

1903 йилда Америкада ака-ука Райт самолётни кашф этади, айти пайтда Буюк Британияда ҳам биринчи самолетлар пайдо бўлади. 1924 йилда Англияда тўртта авиакомпания заминида битта ўта йирик компания тузилади – «Imperial Fairways». Денгиз транспорти такомиллаштирилади, ўша давр учун гигант бўлган лайнерлар қурилади – «Сириус», «Лузитания», «Мавритания», «Император», «Фатерланд» ва бошқалар. Денгиз ва авиация транспортининг ривожланиши халқаро саёҳатлар сони ортишига кўмаклашган.

Инглиз туризми ва унинг терминологияси ривожланишининг учинчи босқичи - оммавий конвейерли туризм - XX асрнинг бошига тўғри келди, ва Иккинчи жаҳон уруши охиригача давом этди. Туризмнинг ушбу босқичда ривожланишига тақдим этиладиган хизматларнинг талабчан бўлмаслиги, уларнинг тўплами стандарт бўлиши хос бўлади. Туристларга хизмат кўрсатиш дастурлари турли-туманлиги билан ажралиб турмаган, чунки улар таркиб топган элементар туристик хизматлар истеъмолчини қондирган эди. Бундай вазият туристик операторларга туристик бозор учун унификацияланган хизматлар тўпламларини шакллантириш имконини берган. Шунинг учун бу ҳолатда тадқиқотчилар оммавий конвейерли туризм ҳақида гапирган.

Ушбу босқични тавсифлаб, туризмнинг ривожланиши транспортнинг ривожланиши ва модернизацияси билан параллел ҳолда кетганлигини қайд этиш лозим. XX асрнинг биринчи ярмидаёқ автомобиллар ва автобуслар Буюк Британияда кенг тарқалган транспорт турига айланади. Масалан, 1904 йилда бу давлатда 8465 та, 1914 йилда – 132315 та автомашина бўлган. 30-йилларнинг охирига келиб, ҳар йили Англиядан деярли 10 минг туристлар автомобилларда Европа бўйлаб саёҳат қилган, 1935 йилда уларнинг саёҳатлари маршрутлари Москва ва Ленинградгача етган. 1903 йилда Америкада ака-ука Райт самолётни кашф этади, айти пайтда Буюк Британияда ҳам биринчи самолетлар пайдо бўлади. 1924 йилда Англияда тўртта авиакомпания заминида битта ўта йирик компания тузилади – «Imperial Fairways». Денгиз транспорти такомиллаштирилади, ўша давр учун гигант бўлган лайнерлар қурилади – «Сириус», «Лузитания», «Мавритания», «Император», «Фатерланд» ва бошқалар. Денгиз ва авиация транспортининг ривожланиши халқаро саёҳатлар сони ортишига кўмаклашган.

Тўртинчи босқич – оммавий дифференциялашган туризм. Иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланиб, то ҳозирги пайтгача давом этмоқда. Агар конвейерли туризм туристларнинг эҳтиёжлари ва мотивацияларига нисбатан примитивлигини ва бир хил бўлишини, шунга мос ҳолда, тақдим этиладиган хизматларининг шахсизлашган конвейерли хусусиятда бўлишини кўзда тутган бўлса, дифференциялашган туризм туристларнинг эҳтиёжлари ва мотивацияларининг турли-



туманлиги, туристик талаб таркибида кўп сонли тор ихтисослашган сегментлар борлиги, таклиф этиладиган хизматларининг турли-туманлиги ва туристик таклифнинг кучли ифодаланган ихтисослашуви билан ажралиб туради. Дифференциялашган туризм учун хизматларининг кенг ассортименти бўлиши хос бўлиб, шу жиҳатдан, туризмнинг инглиз терминологияси ихтисослашган туризмнинг терминлари билан фаол тўлдирила бошлаганлигини қайд этиш муҳим бўлади (agrotourism, disaster tour, nostalgic tourism, familiarization trip, flightseeing, island hopping, jeep safari, on-your-own package, rural tourism ва бошқалар.).

Шундай қилиб, туризмга оид терминологиянинг диахроник таҳлили бизга тадқиқ этилган терминологияларнинг шаклланиши турли йўللardan борган, деган хулосага келиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Alieva M.T. Razvitiya industrii turizma // Mezhdunarodnye Plekhanovskie chteniya, April 19 REA. im.G.V. Plexanova. - M., 2006.
2. Aliyeva M.T., Mirzayev M. va boshqalar. Turizm huquqi. O'quv qo'llanma. – T.: Talqin, 2003. – B. 245.
3. Ушаков Д.С. Технология выездного туризма. Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2009. – С. 240.
4. Алиева М.Т. Развития индустрии туризма // Международные Плехановские чтения, 19 апреля РЭА. им. Г.В. Плеханова. – М., 2006.
5. Алиева М.Т. Тенденции развития туризма в Узбекистане // Пятнадцатые международные Плехановские чтения, 27 апреля РЭА. им. Г.В. Плеханова. – М., 2002.
6. Grinev- Grinevich S.V. Terminovedenie. Uchebnoe posobie. - M. Akademiya, 2008. - P.102-104.
7. Исканджанова, Ф. К. (2022). Индивидуально-типологические особенности личности.
8. Исканджанова, Ф. К. (2018). Вопросы применение медицинских терминов в узбекском языкознание.
9. Исканджанова, Ф. К. (2022). Медицинская педагогика в профессиональной деятельности врача. Integration of science, education and practice. Scientific-methodical journal, 3(2), 163-167.
10. Komilova, M. (2019). The Essence and Content of Problem Based Learning